



HISTORY OF THE FORMATION OF THE RIGHTS OF PERSONS WITH DISABILITIES

Shukhrat Shabanovich Khikmatov

*Independent researcher of the Law Enforcement Academy
of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: disability, historical analysis, institutionalization, segregation, Industrial Revolution, economic marginalization, social integration.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

Abstract: This article analyzes the evolution of societal and state attitudes toward disability from the Middle Ages to the Industrial Revolution. While scientific and medical advancements, along with the ideas of rationalism and humanism, encouraged the scholarly study of disability, institutionalization and segregation practices hindered the full social integration of persons with disabilities. During the Industrial Revolution, disability began to be seen as both an economic and social issue; however, the capitalist labor system intensified economic marginalization. At the same time, traditions of charity and social assistance—particularly the experience of the Jadid movement—formed an important foundation for modern legislation and social policy.

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ТАРИХИ

Шухрат Шабанович Ҳикматов

*Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ногиронлик, тарихий таҳлил, институционаллашув, сегрегация, саноат инқилоби, иқтисодий маргиналлашув, жади́дчилик, ижтимоий интеграция.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўрта асрлардан саноат инқилобига қадар бўлган даврда ногиронликка нисбатан жамият ва давлат сиёсатининг эволюцияси таҳлил қилинади. Илмий ва тиббий тараққиёт, рационализм ва гуманизм ғоялари

ногиронликни илмий ўрганишга туртки бўлгани ҳолда, институционаллашув ва сегрегация амалиётлари ногиронлиги бўлган шахсларнинг тўлиқ ижтимоий интеграциясига тўсқинлик қилган. Саноат инқилоби даврида ногиронлик иқтисодий ва ижтимоий муаммо сифатида кўрила бошлаган бўлса-да, капиталистик меҳнат тизими иқтисодий маргиналлашувни кучайтирган. Шу билан бирга, миллий анъаналардаги хайрия ва ижтимоий ёрдам ишлари, хусусан, жади́дчилик ҳаракати тажрибаси, замонавий қонунчилик ва ижтимоий сиёсат учун муҳим илдиз бўлиб хизмат қилган.

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ПРАВ ЛИЦ С ИНВАЛИДНОСТЬЮ

Шухрат Шабанович Хикматов

Самостоятельный соискатель

Правоохранительной академии Республика Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: инвалидность, исторический анализ, институционализация, сегрегация, промышленная революция, экономическая маргинализация, социальная интеграция.

Аннотация: В статье рассматривается эволюция общественного и государственного отношения к инвалидности в период от Средневековья до промышленной революции. Научный и медицинский прогресс, идеи рационализма и гуманизма способствовали научному изучению инвалидности, однако процессы институционализации и сегрегации ограничивали полноценную социальную интеграцию людей с инвалидностью. В эпоху промышленной революции инвалидность стала рассматриваться как экономическая и социальная проблема, но капиталистическая система труда усилила экономическую маргинализацию. Наряду с этим, традиции благотворительности и социальной помощи, в частности опыт джадидского движения, послужили важной основой для современного законодательства и социальной политики.

Ўрта Асрлардан саноат инқилобига қадар бўлган тарихий босқичлар ногиронликка нисбатан жамиятнинг муносабати ва давлат сиёсатининг шаклланишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Бу даврларда илмий ва тиббий тараққиёт, рационализм ва гуманизм

ғоялари ногиронликни илмий таҳлил қилиш ва унинг ижтимоий моҳиятини англашга туртки бўлди. Бироқ, институционаллашув ва сегрегация каби амалиётлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаол иштирокини чеклаб, уларни “нормал” жамиятдан ажратиб қўйди. Маърифатпарварлар даврида тиббий тадқиқотлар ва инсонпарвар ислохотлар бошланган бўлса-да, улар кўпинча муассасалар доираси билан чекланди ва ногиронларнинг тўлиқ ижтимоий интеграциясига хизмат қилмади. Саноат инқилоби даврида эса ногиронлик нафақат тиббий ёки диний нуқтаи назардан, балки иқтисодий ва ижтимоий муаммо сифатида кўрила бошланди, аммо капиталистик меҳнат тизими уларнинг иқтисодий маргиналлашувини янада кучайтирди. Ушбу тарихий жараёнларни ўрганиш замонавий ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш концепциялари ва қонунчилик асосларининг шаклланишини чуқур англаш имконини беради.

Маърифат ва илк модерн даврда илмий ва тиббий тараққиёт, рационализм ва гуманизм ғоялари ногиронликнинг жамиятдаги ўрни ва унга муносабатни қайта кўриб чиқишга туртки бўлди. Бу даврдаги ўзгаришлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавқеини тубдан яхшиламади, чунки институционаллаштириш ва сегрегация каби янги муаммолар юзага келди. Ушбу тарихий босқични чуқур таҳлил қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кейинги ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади, чунки бу даврдаги ёндашувлар замонавий қонунчиликнинг илк шаклланиш жараёнини кўрсатади.

Айрим олимлар, масалан, Жон Локк ва Жан-Жак Руссо, инсон табиати ва ақлий қобилиятларини ўрганишга эътибор бериб, ногиронликни биологик нуқсон сифатида талқин қилишга уринди. Локкнинг “Инсон тафаккури ҳақида эссе” номли асарида ақлий ногиронлик инсон ақли ва тафаккурининг ривожланишига тўсқинлик қиладиган омил сифатида кўрилди[1]. Бу қараш, бизнинг назаримизда, ногиронликни илмий таҳлил қилишга йўл очди, лекин у ақлий ва жисмоний нуқсонларни фақат “камчилик” сифатида кўришга олиб келди, бу эса уларнинг жамиятдаги фаол иштирокини чеклашга сабаб бўлди.

Институтлашувнинг бошланиши XVIII асрга тўғри келади. Бу пайтда Европада ногиронлар, хусусан, ақлий нуқсонга эга шахслар учун махсус муассасалар – бошпаналар ва шифохоналар ташкил этила бошланди. Масалан, Францияда Bicêtre ва Salpêtrière шифохоналари руҳий касалликлар ва ногиронлиги бўлган шахсларни жойлаштириш учун фойдаланилган[2].

Мишель Фуко таъкидлашича, бу институтлашув ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаол иштирокини чеклаган ва уларни кўпинча “хавфли” ёки “фойдасиз” деб ҳисоблаган. Лекин бу муассасалар баъзан ногиронлиги бўлган шахсларга муайян даражада ғамхўрлик ва хавфсизлик таъминлаганлигини инобатга олмаган. Масалан, баъзи

шифохоналарда ногиронлиги бўлган шахсларга асосий тиббий ёрдам кўрсатилган, бу уларнинг оилавий муҳитдаги муаммоларини енгиллаштиришга хизмат қилган.

Маърифатпарварлар давридаги энг муҳим муаммо ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдан изоляция қилиниши ва уларнинг “нормал” жамиятдан четлатилиши эди. Рой Портернинг таъкидлашича, бу даврда ногиронлик кўпинча “ижтимоий тартибга таҳдид” сифатида қаралган, бу эса уларни муассасаларга жойлаштириш амалиётини оқлаган[3]. Биз бу қарашга қисман қўшилаемиз, чунки ушбу даврининг рационал ғоялари ногиронликни илмий таҳлил қилишга йўл очган бўлса-да, улар кўпинча жамиятнинг “идеал” аъзоси сифатида кўрилмаган шахсларни четлатишга хизмат қилган. Бизнинг назаримизда, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги фаол иштироки учун имкониятлар яратилмаган, балки улар кўпинча муассасалар доирасида назоратга олинган. Бу вазият, бизнинг фикримизча, кейинги асрларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги тўсиқларнинг асосий сабаби бўлди.

Маърифат ва эрта модерн даврдаги энг зарур масала ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда тўлиқ иштирок этишини таъминлаш учун институционал ва ижтимоий тузилмаларнинг етишмаслиги эди. Бу даврда ногиронликка муносабатда ижобий ўзгаришлар, масалан, тиббий тадқиқотлар ва гуманистик ислохотлар бошланган бўлса-да, улар кўпинча муассасалар доираси билан чекланди. Масалан, Пинельнинг “moral treatment” усули ақлий нуқсонга эга шахсларга инсонпарвар муносабатда бўлишга хизмат қилган, лекин у жисмоний ногиронликка эга шахсларнинг муаммоларига етарлича тўхталмаган[4]. Бизнинг назаримизда, бу муаммонинг энг муҳим жиҳати шундаки, ногиронлар жамиятнинг фаол аъзолари сифатида эмас, балки “даволаниши” керак бўлган тоифа сифатида кўрилган. Бу эса уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги замонавий ёндашувларнинг шаклланишига тўсқинлик қилди.

Маърифат ва эрта модерн даври ногиронлик тушунчасининг тиббий ва илмий таҳлилига йўл очди, лекин институционаллашув ва сегрегация каби муаммолар уларнинг жамиятдаги мавқеини яхшилашга тўсқинлик қилди. Тиббийлашув ва рационализм ногиронликни “тузатиладиган” ҳолат сифатида кўришга олиб келди, лекин бу уларнинг ижтимоий интеграциясига хизмат қилмади. Бизнинг фикримизча, бу даврдаги ўзгаришлар ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кейинги ривожланиши учун муҳим асос бўлди, лекин уларнинг амалга оширилиши кўпинча муассасалар доираси билан чекланди. Шу билан бирга, биз ушбу ғояга қисман қўшилмаймиз, чунки бу даврдаги ислохотлар, гарчи муҳим бўлса-да, ногиронларнинг тўлиқ ижтимоий тенгликка эришишига хизмат қилмади. Ушбу тарихий контекстни чуқур таҳлил қилиш замонавий қонунчилик тизимларининг шаклланишига йўл очиб берган илк қадамларни кўрсатади.

Саноат инқилоби даврида тезкор урбанизация, саноатлашув ва меҳнат бозорининг ривожланиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятдаги мавқеига муҳим таъсир кўрсатди. Ногиронлик энди нафақат тиббий ёки диний нуқтаи назардан, балки иқтисодий ва ижтимоий муаммо сифатида кўрила бошланди. Бироқ, бизнинг фикримизча, саноат инқилоби ногиронларнинг шароитларини яхшилашга хизмат қилган бўлса-да, уларнинг иқтисодий маргиналлашуви ва жамиятдан четланиши каби янги муаммоларни юзага келтирди. Ушбу тарихий босқични чуқур таҳлил қилиш ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кейинги ривожланиши учун муҳим асос бўлиб хизмат қилади, чунки бу даврда ногиронлик ижтимоий сиёсат ва қонунчиликнинг муҳим мавзуси сифатида кўтарилди.

Иқтисодий маргиналлашув саноат инқилоби даврида ногиронлиги бўлган шахслар дуч келган энг муҳим муаммолардан бири бўлди. Саноат жамиятида меҳнатнинг самарадорлиги ва иқтисодий фойда асосий устуворликка айланди, бу эса ногиронларни “ишга яроқсиз” тоифа сифатида кўришга олиб келди. Масалан, XIX аср Англиясида ногиронлиги бўлган шахслар кўпинча паст маошли ишларда, масалан, уйда тўқимачилик билан шуғулланишга мажбур бўлган ёки умуман ишсиз қолган. Ленард Дэвиснинг таъкидлашича, саноат инқилоби “нормаллик” тушунчасининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилди, бу эса ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятнинг “четидаги” тоифа сифатида кўришга олиб келган[5]. Биз бу фаразга тўлиқ қўшилаемиз, чунки “нормаллик” тушунчаси ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини чеклаш билан бирга, уларнинг ижтимоий стигматизациясига ҳам сабаб бўлган. Бироқ, бизнинг фикримизча, Дэвиснинг таҳлили асосан “нормаллик” тушунчасининг маданий жиҳатларига эътибор берган, лекин иқтисодий омиллар, хусусан, капиталистик тизимнинг ногиронлиги бўлган шахсларга таъсирига етарлича тўхталмаган. Бизнинг назаримизда, капитализмнинг меҳнатга асосланган тузилиши ногиронлиги бўлган шахсларнинг иқтисодий маргиналлашувини янада кучайтирди, чунки улар кўпинча “фойдасиз” деб ҳисобланди.

Ногиронликнинг ижтимоий муаммо сифатида пайдо бўлиши саноат инқилоби даврида муҳим тарихий босқич бўлди. Ушбу даврда давлат сиёсати ва жамоатчилик эътибори ногиронларнинг шароитларига қаратила бошланди, бу эса уларнинг муаммоларини давлат даражасида муҳокама қилишга олиб келди. Масалан, Англияда 1834 йилда қабул қилинган “Poor Law Amendment Act” камбағаллар, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус бошпаналар (workhouses) ташкил қилишни назарда тутган, лекин бу бошпаналар кўпинча қатъий интизом ва ёмон шароитлар билан хос бўлган[6].

Саноат инқилоби давридаги энг долзарб муаммо ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамиятда тўлиқ иштирок этишини таъминлашдаги тўсиқлар эди. Урбанизация ва

саноатлашув уларнинг яшаш шароитларини мураккаблаштирган бўлса, иқтисодий маргиналлашув уларнинг меҳнат бозоридаги имкониятларини янада чеклади. Марта Расселнинг таъкидлашича, саноат инқилоби капиталистик тизимнинг ривожланиши билан ногиронлиги бўлган шахсларни “ишга яроқсиз” тоифа сифатида кўришни кучайтирди, бу эса уларнинг ижтимоий изоляциясига олиб келди. Биз бу фарзга тўлиқ қўшилаемиз, чунки капитализмнинг меҳнатга асосланган тузилиши ногиронларнинг иқтисодий ва ижтимоий мавқеини пасайтирди.

Бизнинг халқимизда азалдан ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари алоҳида эътиборда бўлишган. Хусусан, жадидчилик ҳаракатининг фаол вакилларида бўлган Мунавварқори Абдурашидхонов раҳбарлигида 1909 йилда «Жамияти хайрия», 1913 йилда «Турон» жамиятлари ташкил қилиниб, мусулмонларнинг эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий аҳволини яхшилаш учун шифохона, чойхона, ошхона, ётоқ жойлар қурилган[7]. Демак, жадидчилик ҳаракати вакиллари ўз фаолиятларида нафақат одамларни маърифатли бўлишга ундашган, балки жамиятнинг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларига амалий уларни ҳимоя қилиш чораларини кўришган. Масалан, ногиронлиги бўлган шахсларни бошпана билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган[8].

Саноат инқилоби давридаги энг зарур масала ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий ва иқтисодий интеграциясини таъминлаш учун институционал ва қонунчилик механизмларнинг етишмаслиги эди. Ногиронлик ижтимоий муаммо сифатида эътироф этилган бўлса-да, уларга ёрдам кўрсатиш кўпинча хайрия ёки қатъий муассасалар доирасида амалга оширилди.

Шу аснода, маърифат, эрта модерн ва саноат инқилоби даври ногиронликни ижтимоий ва иқтисодий муаммо сифатида кўришга йўл очди, лекин урбанизация, иқтисодий маргиналлашув ва институционал тўсиқлар уларнинг жамиятдаги мавқеини яхшилашга тўсқинлик қилди. Ушбу даврда ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммолари давлат сиёсати ва жамоатчилик эътиборига тушди, лекин уларга ёрдам кўрсатиш кўпинча хайрия ёки қатъий муассасалар доирасида амалга оширилди.

Юқоридаги тархий жиҳатлар таҳлилидан келиб чиқиб, қуйидаг хулосаларга келиш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, маърифат, илк модерн ва саноат инқилоби давлари ногиронликка нисбатан муносабатнинг илмий, ижтимоий ва иқтисодий йўналишларда ривожланишига замин яратган бўлса-да, амалдаги ёндашувлар кўпинча ногиронлиги бўлган шахсларни жамиятдан изоляция қилиш ва уларнинг имкониятларини чеклаш билан чекланди. Институционаллашув, сегрегация ва иқтисодий маргиналлашув уларнинг ижтимоий интеграциясига тўсқинлик қилди, ҳатто гуманистик ва тиббий ислохотлар

даврида ҳам ногиронлик кўпинча “тўғриланиши керак бўлган нуқсон” сифатида талқин қилинди. Шу билан бирга, айрим ижтимоий ҳаракатлар ва шахсий ташаббуслар — жумладан, жадидчилик давридаги хайрия ва ижтимоий ёрдам ишлари — ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашнинг миллий анъаналарини шакллантирди. Бу тарихий тажриба замонавий қонунчилик ва ижтимоий сиёсат учун муҳим сабоқлар бериб, ногиронларнинг тўлиқ ижтимоий тенгликка эришиши йўлидаги ислохотлар зарурлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Locke, John. "An essay concerning human understanding, 1690." (1948).
2. Artières, P., 2025. Un classique qui a du mal à prendre la poussière: l’Histoire de la folie à l’âge classique de Michel Foucault. Les Tribunes de la santé, 83(1), pp.19-26.
3. Porter R. Flesh in the Age of Reason. In *Flesh in the age of reason* 2011 (pp. 573-573).
4. Paradis, A., 1993. De Condillac à Pinel ou les fondements philosophiques du traitement moral. *Philosophiques*, 20(1), pp.69-112.
5. Davis, L.J., 1995. Enforcing normalcy: Disability, deafness, and the body. Verso.
6. Wright, D., 2000. Learning disability and the new poor law in England, 1834–1867. *Disability & Society*, 15(5), pp.731-745.
7. Russell, M., 1998. Beyond ramps: Disability at the end of the social contract: A warning from an uppity crip. Common Courage Press.
8. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2.Т. – Тошкент: «Маънавият», 1998. Т.1. –Б. 10; Қосимов Б. Миллий уйғониш. –Тошкент: «Маънавият», 2002. –Б.28.; Маҳмудхўжа Бехбудий. Сағирлар ҳақида//«Ойина» (1914-1915 йй). –Тошкент: «Академия», 2001. –Б.46.
9. Камилов Ф.О. Ўзбекистонда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилишни институционал такомиллаштириш // Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент: ЎзМУ, 2022. – Б.18 (160 б.)